



## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШИ (2017-2022-йиллар мисолида)

Машерипова Айзада Пирниязовна

Қорақалпогистон Республикаси Педагогларни янги методикаларга ўргатиши Миллий маркази “Педагогика, психология ва таълим технологиялари” кафедраси катта ўқитувчиси

**Аннотация:** Мақолада бугунги кунда Қорақалпагистонда мактабгача таълим тизими ва мактабгача таълим ташкилотларининг ривожланиши бўйича қатор маълумотлар келтирилган. Мактабгача таълим тизимининг ҳолати, мактабгача ёшдаги болаларнинг болаларнинг мактабгача таълим ташкилотларига қамров олиниши ҳақида ва ташкилотларнинг фаолияти ҳақида манбаларга таянган ҳолда асосланган.

**Аннотация:** В этой статье приведены примеры в сфере дошкольного образования. На основании источников о приеме детей дошкольного возраста в дошкольные образовательные учреждение и деятельности.

**SUMMARY:** This article includes much information from sphere of preschool education and based on sources about the enrollment of preschool children in preschool education institution and the activities of organization.

**Таянч сўзлар:** мактабгача таълим ташкилотлари, мактабгача ёш, мактабгача таълим, мактабгача тарбия, боғча, хусусий боғча, мобиъ боғча.

**Ключевые слова:** Дошкольное образование, дошкольное учреждение, дошкольный возраст, дошкольное воспитание, детский сад, частный детский сад, мобильный детский сад.

**Key words:** Preschool education, preschool foundation, preschool age, preschool upbrinoune, kindergarten, private kindergarten, mobile kindergarten

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб жамиятимизни модернизация қилиш, аввало, таълим соҳасини ислоҳ қилиш билан боғлиқ равишда олиб борилди. Сабаби, келажагимиз маънавий етук, билим савияси юқори ёш авлод билан албатта боғлиқ бўлди. Бу эса таълим тизимига, айниқса, мактабгача таълимнинг зиммасига катта аҳамиятли вазифалар юклади. Зоро, болаларимизнинг мактаб таълимига сифатли тайёрланиши, уларда маънавий-ахлоқий фазилатларнинг бор бўлиши, меҳнат кўнімларни, креатив фикрлаш ва экологик, эстетик онгининг шаклланиши айнан мактабгача таълим ташкилотларида шаклланади. Яқин вақтларгача боғчаларда болани ижтимоий, шахсий, ҳиссий, нутқий, математик, жисмоний ва креатив ривожлентириш бўйича таълим дастурлари жорий этилмади, яъни боғчалар таълим ташкилоти вазифасини бажариш ўрнига ота-она ишда бўлган вақтида болага қараб берадиган масканга айланаб қолди. Ва шунга кўра мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини сифатли амалга ошириш учун давлатимиз томонидан бир қанча ислоҳатлар жорий этилмоқда. Мактабгача таълимнинг Давлат талабини, ўкув дастурини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, замонавий ўкув-услубий, дидактик мажмуналарни яратиш, мактабгача таълим тизимини технологиялаштириш орқали мактабгача таълим сифат ва саморадарлигини ошириш, мактабгача таълим мазмунини модернизация қилишга имконият яратилди. Мактабгача таълим ташкилотларида таълим ва тарбия жараёни марказига бола шахси қўйилди ва миллий таълим-тарбия тажрибаларидан кенг турда фойдаланиш ва жараёнга тадбиқ этиш, маънавиятимиз, урф-одат, кадриятларимиз, аждодларимизнинг мерослари орқали келажак авлодни тарбиялаш ва вояга етказиш бош мақсад қилиб белгиланди. Умуман мустақиллик йилларида давлатимизда мактабгача таълим тизимини ривожлентириш, болани мактаб таълимига сифатли тайёрлаш

ва сифатли таълим олишининг ташкилий-педагогик шарт-шароитлари тўлиқ яратилди. Ушбу мулоҳазалар, мактабгача таълим тизимини ривожлантиришнинг назарий ва амалий асослари, мактабгача таълим ташкилотларида болаларни мактаб ҳаётига сифатли тайёрлаш, уларда дунёқарашини шакллантиришда катта имкониятлар, бугунги кунда юз берган ўзгаришларнинг кўп кирралиги, айниқса, Мустақиллик шароитида Қорақалпоғистон мактабгача таълим тизими ривожланиши масаласи алоҳида педагогик муаммо сифатида ўрганилмаганлиги сабабли, мазкур муаммо муҳим, назарий ва амалий аҳамиятга эга ва долзарб ҳисобланади. Мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини ривожлантириш мақсадида чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилмоқда:

сифатли мактабгача таълимни амалга оширишнинг хуқуқий-меъёрий асослари ишлаб чиқилди;

мактабгача таълим ташкилотларидағи таълим-тарбия жараёнини назорат қилиш, кузатиш ва бошқаришнинг самарали механизми йўлга қўйилди;

мактабгача таълим мазмуни жаҳон андозаларига мос тарзда қайта ишлаб чиқилди;

мактабгача таълим ташкилотларининг моддий-техник таъминоти кучайтирилди;

мактабгача таълим ташкилотлари учун малакали кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш тизими такомиллаштирилди;

мактабгача ёшдаги болаларининг спорт билан шуғулланишларига шароитлар яратилди;

боғчаларнинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти асосланиб берилди, оила, мактаблар билан ҳамкорлиги кучайтирилди.

Масалан, мактабгача таълимга ривожланишнинг асосий бўғини ва негизи сифатида эътибор қаратилиб, мактабгача ёшдаги болаларни боғчаларга тўлиқ қамраб олиш учун хусусий, нодавлат, ўй боғчалар очишига кенг имкониятлар яратилмоқда. Ҳозирги вактда (2021-йил якуни бўйича) Қорақалпоғистон мактабгача таълим тизимида 1419 мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд ва ундан 434 таси Боғчаларимизда 119769 нафар болалар тарбияланмокдалар. Мактабгача таълимнинг ҳолати таҳлилида боғчаларнинг тармоғи ва контингентида яъни қамроб олишнинг тез ўсишини кўришимиз мумкин. 3-7 ёшдаги болаларни мактабгача таълимга қамров 75 фойизни ташкил этган. Мактабгача таълим ташкилотларининг кўпайтирилиши мактабгача ёшдаги болаларни боғчаларга қамраб олиш ва мактабга сифатли тайёрлаш имкониятини бермоқда. Мактабгача ёшдаги болаларнинг таълим тарбия олишига давлат томонидан белгиланадиган меъёрий ҳужжатлар ва талаблар сифати уларнинг жамият ижтимоий-маданий мослиги, шунингдек, уларнинг болани ривожлантиришнинг тўлоқанли ва яхлитлигини таъминлаш билан бирга мактабгача таълим болаликнинг ўз моҳиятини сақлашга йўналтирилганлиги билан аниқланади. Мактабгача таълим жараёни сифати унинг мазмуни, шакл ва усусларининг сифати, педагогларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги билан таъминланади. Ресурс таъминоти жараёнининг сифати кадрлар, молия-иктисодий, дастурий-услубий, психологик, санитария-гигиеник ва тиббий соғломлаштириш, ижтимоий-педагогик ресурслар ва шарт-шароитларнинг сифатидан таркиб топади. Натижаларнинг сифати болаларнинг саломатлик ҳолати, болаларнинг шахсий ютуқлари, педагогларнинг шахсий касбий ютуқлари, мактабгача таълим ташкилотларининг ютуқлари каби элементларини ўз ичига олади. {3}

Таълим соҳаси демократик тамойилларга асосланган ҳолда ташкиллаштирилиб, мамлакатимиз ҳар бир шахснинг мактабгача таълим ташкилотларида таълим олишга тўлиқ шароитлар яратилмоқда. Тизимда олиб борилаётган барча ҳаракатлар ва ислоҳотлар албатта жамиятда инсон омилини кўтаришга қаратилган. Мактабгача таълим мамлакатимизнинг ижтимоий

таракқиёти соҳасида устувор йўналиши ҳисобланиб, мактабгача таълимнинг сифатини ошириш учун қатор принциплар белгиланди.

Мактабгача таълим ташкилотларида таълим жараёни сифати ва самарадорлигини таъминлашга йўналтирилган принципларга кўйидагилар киради:

барча асосий йўллар бўйича боланинг тўлақонли ривожланишини таъминлаш принципи;

боланинг ёш ва шахсий салоҳиятини рувъбга чиқариш учун мактабгача таълим тизимининг ўзини-ўзи қоплаш принципи,

таълим жараёнини амалий ташкил этиш принципи;

мактабгача таълимнинг шахсга йўналтирилганлик принципи;

бала томонидан ижтимоий-маданий тажрибани ижодий “ўзлаштиришни” таъминлаш принципилари белгиланди.

Мактабгача таълим ташкилотларида Давлат дастури асосида таълим жараёнини ташкил қилиш тамойиллари белгиланган:

бала ҳуқуқлари, ўзига хос ривожланиш хусусият ва салоҳиятини ҳисобга олиш;

таълим жараёнида барча турдаги ривожланиш соҳаларининг ўзаро боғликлиги;

бала саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш, унинг эҳтиёжлари, шу жумладан, унинг харакатланиш эҳтиёжларини қондириш:

боланинг ижодий қобилиятларини қўллаб-кўвватлаш;

ўйин орқали таълим бериш ва ривожлантириш;

боланинг ривожланиши ва ижтимоий мослашиши учун қулай муҳит яратиш;

бала учун ҳавфсиз муҳитни таъминлаш;

МТТнинг оила, маҳалла ва мактаб билан ҳамкорлиги;

Миллий маданий анъаналар қадриятларни ошириш ва бошқа миллатлар маданиятига хурмат, бошқа миллатлар маданиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш; {1}.

Давлатимизда мактабгача таълим ташкилотларида таълим жараёни сифати ва самарадорлигин таъминлаш мақсадида малакали педагог кадрлар билан таъминлаш масаласига ҳам эътибор кучайтирилди. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунида педагог ходимлар ижтимоий қўллаб-кўвватланади, ўз касбий фаолиятини амалга ошириш, уларнинг ижтимоий мақоми ва обрўсими ошириш учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шариоитлар яратилади, шунингдек, ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга ошириш учун кафолатлар берилади деб кўрсатилади. Албатта, мамлакатимизда педагог ходимларнинг мажбуриятлари ҳам белгиланган. Педагог ходимлар:

- таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг шаъни, қадр-қиммати ва ишchanлик обрўсими хурмат қилиш;

- ўқув машғулотларни сифатли ўтказиш;

- ахборот-коммуникация технологияларидан, ўқитиши ва тарбиянинг илғор ҳамда инновацион шакллари ва усулларидан фойдаланиш;

- тарбияланувчиларнинг психологик ва ўзига хос хусусиятларини, жисмоний-руҳий саломатлигин эътиборга олиш;

- таълим-тарбия ишларини ота-онаси ёки қонуний вакиллари билан ҳамкорлиқда олиб бориш;

- таълим ташкилоти уставига, ички меҳнат тартибига риоя қилиш;

- ўз малакасини мунтазам равишда ошириб бориш;

- тиббий кўрикдан ўз вақтида ўтиши шарт- дея кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунида. Мактабгача таълим ташкилотлари педагог ходимлари ва тарбиячилари педагогик фаолиятни амалга оширишда ахлоқ ва этика нормаларига зид ҳаракатлар содир

этиш тақиқланади ва ходимларнинг кийим-бошига доир талаблар ташкилот томонидан белгиланади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш ҳаракатлар стратегиясининг асосий йўналишларининг бири таълим ва фан соҳасини ривожлантиришда мактабгача таълим ташкилотлари тармогини кенгайтириш, болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиш учун ушбу ташкилотлардаги шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини ошириш ва унинг қулайлилигини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш белгилинган. Ушбу вазифаларнинг белгиланиши, уларнинг бажарилиш бўйича хужжатларнинг қабул қилиниши мактабгача таълим тизимини жоҳон талаблари даражасида ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди. Қабул қилинган меъёрий хужжалар асосида мактабгача таълим тизимини тубдан янгилаш масаласи қўйилди ва ушбу ишларни кетма-кетликда изчил олиб бориш кераклиги назарда тутилди.

Давлатимизда мактабгача таълим ташкилотларида таълим жараёни сифати ва самарадорлигни таъминлаш мақсадида Конунда мактабгача таълим ва тарбиянинг асосий принциплари белгиланган:

- ҳар бир бола учун мактабгача таълим ва тарбия олиш имкониятининг мавжудлиги;
- ҳар бир боланинг истеъоди нишоналарини, иштиёқлари ва қобилиятларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар тенглиги;
- мактабгача ёшдаги болаларга таълим, тарбия бериш ва уларни соғломлаштиришнинг оила ҳамда мактабгача таълим ташкилоти тарбиявий таъсирининг бирлиги;
- мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия бериш уйғунлиги;
- боланинг шахсини ривожлантиришга йўналтирилган шахсий ёндашув;
- мактабгача ва умумий ўрга таълимнинг изчилиги ҳамда узлуксизлиги;
- таълим ва тарбиянинг демократик ҳамда дунёвий хусусиятга эгалиги;
- таълим-тарбия жараёнининг шаффоғлиги ва очиқлиги;
- мактабгача таълим ва тарбия мазмуни, даражаси ҳамда ҳажмининг мактабгача бўлган ёшдаги болаларнинг ривожланиш хусусиятларига ҳамда соғлиги ҳолатига мувоғиқлигини таъминлаган ҳолда мактабгача таълим ўз фаолиятини ташкиллаштиришни белгилаб беради. Ҳудудлардаги камчиликларни босқичма-босқич бартараф этиш, мактабгача таълим ташкилотларини яхшилаш мақсадида маблағлар ажратишига алоҳида эътибор қаратилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. «Илк қадам» Мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув дастури. Тошкент- 2018.
2. К.Д.Тлеумбетова. ҚМУ жанындағы педагог кадрларды қайта таярлаў ҳэм олардың қәнигелигин жетилистириў аймақлық орайы “Мектепке шекемги билимленидириў: тәжирийбелер, машқалалар ҳэм раӯажжаланыў перспективалары” атамасындағы Республикалық илимий - өмелий конференциясы. Нөкис-2019. 56-бет
3. Б.Р.Жураева, Х.А.Умарова, Х.М.Тожибаева, Г.М.Назирова “Мактабгача таълим муассасаларida таълим жараёни сифати ва самарадорлигини такомиллаштиришнинг педагогик тизими”. Тошкент “lesson press” 2017 -5 бет.